

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Навоий вилояти хокимлиги
“Ягона буюртмачи хизмати”

инжиниринг компанияси
директори


А.Турдиев
2022 й.



“КЕЛИШИЛДИ”


“КЕЛИШИЛДИ”

“Навоий сув таъминоти” МЧЖ
директори


О.Зарипов
2022 й.



Навоий вилояти Курилиш бош
бошқармаси бошлиғи ўринбосари,
вилоят бош архитектори


А.Холмўминов
2022 й.



*Навоий вилояти Навбахор тумани “Юқори Бешработ”
МФЙ га ичимлик сув тармоқлари қуриш объектига*

**ИШЧИ ЛОЙИХАНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ УЧУН ТОПШИРИҚ**

	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
	2	3
1.	Буюртмачи	Навоий вилояти хокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
2.	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос	Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 18 мартда қабул қилинган “2022-2026-йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 172 сонли қарори.
3.	Қурилиш тури	Реконструкция қилиш
4.	Молиялаштириш манбаси	Республика бюджети маблағларидан.
5.	Буюртмачи реквизитлари	Navoiy viloyati Navoiy shahar Navoiy ko'chasi 63-uy, Hisob raqam 2340 2000 3001 0000 1010 AT Markaziy bank Navoiy sh. Shartli raqam-00014 INN:204775508 OKONX-69000
6.	Лойиҳа босқичи	Бир босқичли ишчи лойиҳа
7.	Бош лойиҳалаш корхонасининг номи	Танлов асосида аниқланади
8.	Лойиҳа қуввати	Лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади
9.	Лойиҳаланадиган иншоотнинг асосий кўрсаткичлари ва рўйхати	Янги қурилиш: I. Ичимлик сув тармоқлар қурилиши: - ичимлик сув тармоғи, узунлиги 17,0 км (узунлиги ва диаметри лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади) II. Ичимлик сув манбаси: - “Юкори Бешрабат” МФЙ нинг “Буркут” МФЙга сув етказиб берувчи Д-160ммли сув қувурига уланади ;
10.	Технологик жараёнлар ва усқуналарга қўйиладиган асосий талаблар	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқишда қуйидагилар ҳисобга олинсин: -улашиш нуқтаси ва тугаланиш нуқтаси “Навоий сув таъминоти” МЧЖ Навбахор тумани бўлими томонидан берилган техник шартга асосан; I. Ичимлик сув тармоқлар қурилиши: - полиэтилен ва полипропилен қувурларни қўллаш (заводда ишлаб чиқарилган); - ташқи изоляцияланган металл қувурларни қўллаш; - назорат қудуқлари ишлаб чиқарувчи томонидан қувур ўтказиш туйнукланган (отверцияланган) темир бетон контрукцияларни қўллаш; - назорат қудуғи копқоғи- ГОСТ-3634-99 оғир юк кўтарма маркали, “Ўзсувтаъминот” логотипи ёзуви билан лойиҳалаш; - қўлланиши лозим бўлган жойларда ҳаво чиқариш (вантуз) усқунаси ўрнатиш (антивандальный); - хонадонларга сув ҳисоблагич учун намунадаги назорат қутисини қўллаш (чизма ва фото расмлари илова қилинади); - лойиҳани ишлаб чиқишда ичимлик сув тармоғини уй хўжалигигача ўтказилиши билан бир қаторда ҳар бир хонадонга сув ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши кўзда тутилсин; II. Ичимлик сув манбаси: - ёрдамчи бинони енгил конструкцияли сендвичдан (базалти) оқ рангли ва хошияси переметри бўйича кўк рангли павилион қуриш; - замонавий энерготежамкор насос ва усқуналарни қўллаш; - лойиҳаларда тармоқлар ва иншоотларни гидравлик ҳисобини бажариш; - сув манбааларидан чиқиш қисмига замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатиш; III. Ичимлик сув иншооти қуриш: (резервуар) - тоза сув сақлаш ҳовузини қуришда йиғма темир-бетон панелларни қўллаш; - замонавий бетон маҳсулотларини сифатини оширувчи



		<p>материаллардан фойдаланиш;</p> <p>- тупрок устидан чақик тошли қопламаларни қўллаш;</p> <p>IV. Насос станция қуриш:</p> <p>- енгил металл конструкциялар ва сендвич панелларни (<i>базалти</i>) ок рангли ва хошияси периметри бўйича кўк рангни қўллаш;</p> <p>- том қисмида кўк рангли сендвич профили панелларни қўллаш;</p> <p>- пойдеворда кулранг бўёкни қўллаш, сендвич девор билан пойдевор орасига пойдеворни ёгингарчиликдан ҳимоялаш;</p> <p>- эшик ва деразаларда пластик ромларни фойдаланиш;</p> <p>- насос станция пол қисмини мармар бўлакларидан (<i>бречка ва мозайка усулида</i>) қилиш;</p> <p>V. Электр ва Автоматик бошқарув тизими(АСУ):</p> <p>- замонавий электрон экономотизимли трансформатор подстанцияларини ўрнатиш;</p> <p>- технологик жараёнларни марказлаштирилган тартибда назорат қилиш, бошқариш ва электр энергия ва сув сарфи ҳисобини юритишда SCADA тизимига уланиши мумкин бўлган ўлчов асбоблари ва жиҳозлари қўлланилсин;</p> <p>VI. Жиҳоз ва ускуналар ўрнатиш:</p> <p>- сув минораси ўрнатишда кириш ва чиқиш қувурларида музлашга қарши химоя (<i>тепло изоляция</i>) қилиш;</p> <p>- сув сақлаш минорасини автоматик ўчириб ёқиш ускунаси билан жиҳозлаш ҳамда минорани кул рангда, тепа қисмига оч кўк рангда “Ўзсувтаъминот” логотиби ёзуви туширишни кўзда тутиш;</p> <p>-эпоксид қопламали задвижка ва қайтарувчи клапанлар ўрнатиш;</p> <p>- замонавий сув сарфини ўлчаш қурилмаларини қўллаш (<i>уланиш нуқтасида ва сув тарқатиш тугунининг чиқишида</i>)</p> <p>VII. Иншоот ҳудудини ободонлаштириш:</p> <p>- ҳудуддаги асосий йўлақлар бетон қопламали, кам катновли йўлақларга қум-шағалли қопламаларни қўллаш;</p> <p>- кул рангли темир дарвоза ўрнатиб, яшил рангли евро сетка девори билан ўраш ва пойдеворни кулранг билан бўяш;</p> <p>- лойихани “Навоий сув таъминоти” МЧЖ билан қилишиш;</p>
11.	Иншоот иш режими	Доимий
12.	Ташқи транспорт алоқалари ва таъминот тизими	Мавжуд ташқи транспорт алоқалари ва таъминот тизимларидан фойдаланилсин
13.	Атроф-муҳит муҳофазасига қўйиладиган талаблар	Объектнинг "Атроф-муҳит таъсирига оид баёноти" лойиҳасини бажариш (ЗВОС)
14.	Рекультивация ва ободонлаштиришга бўлган талаб	Лойиҳада аниқланади
15.	Режалаштирилган қурилиш муддати	2022 йил
16.	Мажмуаларни ишга тушириш зарурияти ва кетма-кетлиги	Талаб этилмайди
17.	Муҳандислик тадқиқотлар ишлаб чиқариш учун талаблар	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қоида ва йўриқномаларга асосан
18.	Махсус қурилиш шароитлари	<p>- Қурилаётган объектлардаги тупроқларнинг ҳисобланган сейсмиклиги ва хусусиятлари муҳандислик-геологик хулосага мувофиқ.</p> <p>- Лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланган</p>



		тартибда ШНК 4.02.00-04 га мувофик иш ҳақи ва машиналар ишлаши меъёрларига коэффицентлар кўлланилиши
19.	Лойиҳалаш учун махсус шартлар	<ul style="list-style-type: none"> - Ишчи лойиҳа амалдаги конун ва коидаларга мувофик ишлаб чиқилсин. (ПОС, ППР) - Аҳоли зич жойлашган ҳудудларда 1 та кузатув (таксимлаш) кудуғига 2 дона сув ҳисоблагич жойлаштириш кўзда тутилсин - Қурилишнинг бошланғич нархлар конунчилиқда белгиланган тартибда бугунги кундаги нархлар ўрганиб чиқилган ҳолда ҳисоблансин. - Ишчи лойиҳа буюртмачига босма шаклда 3 нусхада ва электрон шаклда тақдим этилсин.
20.	Ҳисоб-китоблар варианти	Талаб этилмайди
21	Фуқаро мудофаасининг муҳандислик-техник чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар ва фавқулдда огоҳлантиришлар	Навоий вилояти ФВБ талабларига биноан

Навоий вилояти ҳокимлиги
 “Ягона буюртмачи хизмати”
 инжиниринг компанияси бош муҳандиси

С.Тураев

“Навоий сув таъминоти” Навбахор тумани
 бўлими бошлиғи

З.Хайруллаев





27.01.2022 № 01-19/39

**Туман қурилиш бўлими бошлиғи
Б. Жўрақуловга.**

Навоий вилоят ҳокимининг 2021 йил 24-ноябрда тасдиқланган 2022 йил “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” манзилли рўйхатига киритилган “Юқори бешработ” МФЙда 17 км ичимлик сув тармоғи қуриш учун

ТЕХНИК ШАРТ.

“Юқори бешработ” МФЙнинг Фарзикент қишлоғига “Буркут” МФЙга сув етказиб берувчи Д-160 ммли сув қувурининг охириги кўриш қудуғидан уланган ҳолда сув қувури тортиш талаб этилади.

1. Уланиш жойидаги кўриш қудуғида 2 дона ёпқич (задвижка) бўлиши шарт.
2. Уланиш нуқтасида сув босими 0,5- АТМ га тенг.
3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда “Юқори бешработ” МФЙ ва унга ёндош (Бешработ) қишлоқларининг ичимлик суви етиб бормаган ҳудудларига ички кўчалар сув қувурлари қуришда маҳалла ҳудудидаги мавжуд сув қувурларига уланишига руҳсат берилади.
4. Маҳалла ҳудудидаги узок йиллар ишлатилганлиги сабабли бугунги кунда яроқсиз ҳолга келиб қолган 10 (Ўн) км тармоқни реконструкция қилиш талаб этилади.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25-сентябрдаги “Ичимлик сув таъминоти ва оқава сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6074-сонли фармони 1 банди 5 хатбошига асосан аҳолига сув ҳисоблагичларнинг мажбурий равишда ўрнатилиши билан бир қаторда ичимлик суви уй хўжалигигача ўтказилиши назарда тутилсин.
6. Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизага топширишдан олдин Сувтаъминот қорхонаси билан келишилиши талаб этилади.
7. Техник шартни амал қилиш муддати 2 (икки) йил.

**“Навоий сув таъминоти” МЧЖ
Навбахор туман бўлими бошлиғи ввб.**

ижрочи А.Қувандиков.
тел: 79-562-71-37

А.Сапаров

“HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI
KORXONASI”

Aksiyadorlik jamiyati

“NAVOIY HUDUDIY ELEKTR
TARMOQLARI KORXONASI”

Aksiyadorlik jamiyati

“NAVBAHOR TUMAN ELEKTR
TA`MINOTI KORXONASI”



Joint-stock company
“HUDUDIY ELEKTR
TARMOQLARI”

Joint-stock company
“NAVOIY HUDUDIY ELEKTR
TARMOQLARI KORXONASI”

“NAVBAHOR TUMAN ELEKTR
TA`MINOTI KORXONASI”

210200 Navbahor tumani, Beshrabod qurg'oni, Tel:562-13-85, Faks:562-00-09
e-mail: Navbahoretk@umail.uz

«28» 01 2022 й.

№ 11

ТЕХНИК ХУЛОСА

Навоий Вилояти хокимининг 2021-йил 24-ноябрда тасдиқланган 2022 йил “Обод кишлоқ” ва “Обод махалла” манзилли рўйхатиغا Навбахор туман “Дул дул” МФЙда 48 км ичимлик суви тармоғи ва 1 дона сув таркатиш иншооти куриш “Юқори Бешработ” МФЙ да 17 км узунликда ичимлик сув тармоғини куриш учун куйидаги дастлабки техник шарт бажарилган холда фойлаланиш мумкин:

1. Бино ва иншоат куриш даврида 0,4-6/10/35/110/220 кВли ҳаво ва кабел электр узатиш тармоқлари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1050-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидалари” талабларига қабтий риоя қилинсин.

2. Куриладиган объект худудига тушган ҳаво ва кабел электр узатиш тармоқлари ҳамда электр қурилмалар “Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидалари” нинг 3-боб, 31-бандига асосан “Электр тармоғи хўжалиги объектларини қайта куриш ва кўчириш электр тармоғи хўжалиги объектлари эгалари билан келишилган техник шартлар бўйича, ишларни бажарувчилар, асосий қурилишни ёки ишни амалга оширувчи ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер эгалари хисобига амалга оширилиши”- белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Электр энергиясидан доимий фойдаланиш учун объектнинг электр тоифаси ва электр қуввати аниқлангандан сўнг доимий электр таъминотига уланиш бўйича техник шарт олинсин.

Корхона бош муҳандиси

Ш.А.Жиянов



HUDUD GAZ NAVOIY

HGT

GAZ TA'MINOTI FILIALI

“NAVBAHORTUMANGAZ” GAZ TA'MINOTI BO'LIMI

2022 й. “28” январь

41-01-02-12/50 сонли

Навбахор туман Курилиш
бўлими бошлиғи
Б.Жўракуловга

“Навбахортумангаз” газтаъминоти бўлими Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Сизнинг 2022 йил 28 январдаги 13-15/12 - сонли хатингизга асосан Навбахор тумани “Дул-дул” ва “Юқори Бешработ” маҳаллаларида сув тақсимлаш иншоатини куриш ва ичимлик суви тармоқларини куриш учун ушбу объект худудидан ер ости ёки ер усти газ қувурлари мавжуд бўлган тақдирда ўз маблағи хисобидан тасдиқланган меъёрий хужжатларга асосан хавфсиз жойга кўчириш ишлари бажарилсин. Хар қандай газга боғлиқ бўлган ишларни “Навбахортумангаз” газ таъминоти бўлими томонидан мутахасис ажратган ҳолда бажарилиши талаб этилишини маълум қиламиз.

Изоҳ: Ушбу техник хўлоса газ тармоғига ўлаш учун асос бўлмайди.

“Навбахортумангаз” газ таъминоти
бўлими бош муҳандиси

С.Кудратов

Ижрочи: О.Пўлатов
Тел: 93-660-43-64



O'ZBEKTELEKOM AKSIYADORLIK kompaniyasi
АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ **УЗБЕКТЕЛЕКОМ**
NAVOIY FILIALI
Navbahor telekommunikatsiya bog'lamasi

210200 Navbahor tumani, M. Beshrabotko'chasi, 70-uy Tel: (8436) 562-11-00, Faks: (8436) 562-13-33 E-mail: navbahor@telecom.nav
210200 район Навбахор, ул. Центр Бешрабат, дом 70 Tel: (8436) 562-11-00, Faks: (8436) 562-13-33 E-mail: navbahor@telecom.nav

31-01-02/09 -son

" 28 " январь 2022yil

Навбахор туман Курилиш
бўлими бошлиғи
Б.Жўрақуловга

2022 йил 28-январдаги
№ 13-15/12 –сонли хатга жавобан

ТЕХНИК ШАРТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 майдаги “Телекоммуникация линия ва иншоотларини қўриқлаш қондиришни тасдиқлаш тўғрисида”ги 210-сонли қароридан ер ости ва ер усти ҳаво алоқа линиялари, кабеллар, проводлар ва бошқа алоқа линиялари ва иншоотларининг ҳар томондан икки метрдан масофада муҳофаза зонаси мавжудлиги белгилаб қўйилган. Қурилиш жараёнида мавжуд алоқа линияларига шикаст етказмаслик лозим.

Навбахор туман “Дул-Дул” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 48 км ва “Юқори Бешрабод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 17 км узунликда масофага ичимлик сув қувурлари қурилиш жараёнида “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали Навбахор туман телекоммуникация мутахассислари иштирокини таъминлашингиз талаб этилади.
Техник хулосанинг амал қилиш муддати 3 ой.

Навбахор ТТБ бошлиғи

Ф.Хайдаров



NAVOIY VILOYATI FAVQULODDA VAZIYATLAR BOSHQARMASI
NAVBAHOR TUMANI FAVQULODDA VAZIYATLAR BO'LIMI

210200, Beshrabod shahri, Mustaqillik ko'chasi, Tel. 79 562-15-94 fax. 79 562-10-52

2022 yil « 29 » 01

1/48 - sonli

Tuman qurilish bo'limi
boshlig'i B. Juraqulovga

Sizning 2022 yil 28 yanvar kunidagi
№13-15/12-sonli yozma xatingizga

Navbahor tuman Favqulodda vaziyatlar bo'limi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2013 yil 04 oktyabrdagi 272-sonli qarori talabi va Sizning yuqoridagi yozma murojat xatingizga asosan, Navoiy viloyati hokimining 2021 yil 24 noyabrda tasdiqlangan 2022 yil "Obod qishloq" va "Obod mahalla" manzilli ro'yxatiga Navbahor tumani "Dul-dul" MFY da 48 km ichimlik suvi tarmog'i va 1 dona suv taqsimlash inshootini qurish, "Yuqori Beshrabot" MFYda 17 km uzunlikda ichimlik suv tarmog'ini qurish uchun ajratilgan yer maydoni o'rganib chiqildi.

O'rganib chiqish davomida Navbahor tumani "Dul-dul" MFY da 48 km ichimlik suvi tarmog'i va 1 dona suv taqsimlash inshootini qurish, "Yuqori Beshrabot" MFYda 17 km uzunlikda ichimlik suv tarmog'ini qurish ishlarida yong'in xavfsizlik qoida-talablari, ya'ni, SHNQ 2.01.02-04 (Bino va inshootlarning yong'in xavfsizligi), SHNQ 2.07.01-05 (Shaxarsozlik.SHaxar va qishloq axoli punktlarining xududining rivojlanishi va qurilishini rejalashtirish), Bino va inshootlarda yong'in xavfsizligi oraliq masofalarini saqlash, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2020-yil 20-oktyabrdagi "Yong'in xavfsizligi qoidalari" to'g'risidagi 649-sonli qarori talablari, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2019-yil 11-dekabrdagi "O'zbekiston Respublikasi xududidagi suv ob'ektlarining suvni muxofaza qilish va sanitariya-muxofaza zonalarini belgilash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 981-sonli qarori talablari, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2010-yil 17-may kunidagi "Elektr tarmog'i xo'jaligi ob'ektlarini muxofaza qilish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi 93-sonli qarori talablari asosida ko'rsatilgan tadbirlar amalga oshirilganda Tuman Favqulodda vaziyatlar bo'limi tomonidan e'tiroz bildirilmaydi.

SHuningdek, ushbu tanlangan yer maydoni eng yaqin bo'lgan Navbahor tumani 6-KYQQgacha bo'lgan masofa 17 km.ni tashkil etishini inobatga olib, Respublikamizda harakatida bo'lgan SHNQ 2.07.01-03 Shaxarsozlik.SHaxar va qishloq axoli punktlarining xududining rivojlanishi va qurilishini rejalashtirish shaharsozlik normalari va qoidalarining 109-bandiga asosan tanlangan yer maydoniga yaqin hududda yong'in o'chirish deposini tashkil etish maqsadga muvofiq deb hisoblayman.

Navbahor tumani FVB
boshlig'i podpolkovnik

I.A.Hosilov